O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY K... PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 24 июнь, № 123 (4533) Сешанба

# ОЗОД ВА ОБОД ЮРТДА САОДАТЛИ ЯШАШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

**Аввал хабар қилинганидек, Президентимиз Ислом Каримов 20-21 июнь кунлари Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида бўлди.**



Давлатимиз раҳбарининг амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари ва кенг қамровли ўзгаришлар билан жойларга чиқиб танишиши яхши анъанага айланган. Бундай сафарлар янгиланишлардан бевосита хабардор бўлиш, ислоҳотлардан манфаатдор оддий одамлар билан учрашиш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиш, мавжуд муаммоларни жойида муҳокама қилиш ва ҳал этиш, бу борада мутасадди ва мутахассисларга зарур тавсия ва топшириқлар бериш имкониятини яратади.

Юртбошимизнинг Бухоро вилоятига ташрифи асносида Вобкент туманидаги "Ҳусен Болта замини" фермер хўжалиги далаларида бўлиб, бир гуруҳ фермерлар ва вилоят фаоллари билан учрашгани, Бухоро шаҳри марказини янгидан бунёд этиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишгани ғоят катта аҳамият касб этди.

Ислом Каримовнинг Қашқадарё вилоятига сафари ҳам самимий мулоқотларга бой бўлди. Мамлакатимиз раҳбари даставвал Қарши шаҳридаги "Геолог" стадиони негизида қайта қурилган Маданият ва спорт-соғломлаштириш марказини бориб кўрди. Бу ерда навқирон спортчилар, уларнинг мураббийлари, шунингдек, шаҳардаги маҳаллаларнинг вакиллари билан суҳбатлашди.

Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудлари қатори Қашқадарё вилоятида ҳам ғалла ўрим-йиғими қизғин давом этмоқда. Деҳқонлар йил бўйи қилинган заҳматли меҳнат маҳсулини уйилаётган юксак хирмонларида кўрмоқда. Президентимиз вилоятга ташрифи давомида дала ишлари билан танишди.

Ерни боқсанг, ер ҳам сени боқади, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, ер ҳақиқий парваришга, деҳқон меҳрига эҳтиёж сезади. Ерга меҳрини берган ва унинг тилини биладиган деҳқон буни яхши тушунади. Шунинг учун давлат томонидан фермерликни ривожлантириш, экин майдонларини тажрибали ва ишбилармон деҳқонларга ишониб топшириш учун кенг имкониятлар яратилди. Ҳозир вилоятдаги фермерлар сони 27 мингдан ошади. Уларнинг 15 мингдан ортиғи ғаллачилик билан шуғулланмоқда.

Ислом Каримов ана шундай илғор фермерлардан бири — Қарши туманидаги "Шоҳрух Эшқулов" фермер хўжалигида бўлди.

Суннат Шерқулов раҳбарлик қилаётган мазкур фермер хўжалиги тасарруфида 36 гектар ер мавжуд. Шунинг 20 гектарида ғалла етиштирилди. 16 гектарида эса ғўза парваришланмоқда. Фермер ғалла ҳосилдорлигини 60 центнерга етказишни кўзламоқда.

Юртбошимиз фермер ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари билан мулоқот чоғида ғалла ҳосилдорлигини оширишда сара навларнинг аҳамияти ҳақида тўхталди.

— Ҳар қайси вилоят, ҳар бир ҳудуд иқлими ва тупроғига мос янги, энг мақбул навларни яратиш, четдан келтирилган навларни эса шароитга мослаштириш ва изчил ўзлаштириб бориш керак, — деди Ислом Каримов. — Айниқса, Қашқадарё вилоятида бу масалага алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Чунки Қашқадарё замини — ғалла кони. Вилоят юртимиз ғалла мустақиллигини мустаҳкамлашда, бутун Ўзбекистонимизни ғалла билан таъминлашда муҳим ўрин тутади. Шу боис, бу ерда селекциячиликнинг янги, сифатли ва ҳосилдор навлар яратиш устида изланишлар олиб борадиган узлуксиз тизимини яратиш даркор.

Мамлакатимиз раҳбари мазкур масаланинг ғоят муҳим эканига эътиборни қаратди, бу борада тегишли ҳужжат қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эканини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Қашқадарё вилояти бугун дон, ун ва ун маҳсулотларини нафақат ички, балки ташқи бозорга ҳам чиқармоқда. Харидорлар орасида Тожикистон, Афғонистон, Эрон каби мамлакатлар бор. Вилоятда бу йил 750 минг тоннадан зиёд дон етиштириш, жумладан давлатга 379 минг тоннадан ортиқ ғалла сотиш учун барча куч сафарбар этилган. Бунёд этилажак хирмон фермерлар ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг бугунги саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Шу боис ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан ўтказиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Ғалла ўрим-йиғими давом этаётган шу кунларда вилоятдаги юзлаб фермер хўжаликлари шартнома мажбуриятларини бажарди. Бу йил мавсумда 400 дан ортиқ комбайн ишламоқда.

Айни пайтда 175 минг 840 гектар ерга экилган ғўза парвариши алоҳида эътиборда. Бугунги муҳим вазифа агротехника тадбирларини тўлиқ ва ўз вақтида ўтказиш, ғўзани вақтида ва тежамли суғоришни ташкил этишдан иборат.

Қарши туманидаги "Ҳасанов Парда" фермер хўжалиги раҳбари Парда Ҳасановнинг айтишича, жорий йилда хўжалик тасарруфидаги 30 гектар майдоннинг ярмида ғалла етиштирилган.

Президентимиз мазкур хўжалик дала шийпонида вилоятнинг илғор фермерлари, қишлоқ хўжалиги соҳаси мутасаддилари ва мутахассислари, тадбиркорлар билан учрашди. Самимий мулоқот чоғида, аввало, вилоятда етиштирилган ғалла ҳосилини нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш; шунингдек, ғўза парваришига жиддий эътибор қаратиш хусусида сўз борди. Юртбошимиз илғор фермер П. Ҳасановга "Дамас" автомобили совға қилди.

Ислом Каримов фермернинг мулкдор сифатида ўз оиласи, маҳалласи, қишлоғидаги ҳаёт тарзи янада фаровонлашиши, юртнинг бундан ҳам обод бўлишидаги иштироки муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

— Ҳозирги давр фермерлар нафақат иқтисодий, балки сиёсий жараёнларда ҳам фаол иштирок этишини тақозо этмоқда, — деди Юртбошимиз. — Бошқача айтганда, Олий Мажлисда, маҳаллий Кенгашларда фермерлар ишониб сайлаган вакиллари уларнинг ютуқ ва муаммоларини яхши билиши, манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиши даркор.

Давлатимиз раҳбари одамларнинг, айниқса қишлоқ аҳлининг турмуш даражасини янада яхшилаш, маънавиятини юксалтириш, хусусан, ёшларимизга ҳар томонлама ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш зарурлиги ҳақида сўзлади.

— Ота-онанинг бурчи фарзандини боқиш, кийинтириш, вояга етказиб, уйли-жойли қилиш билан чекланмайди, — деди Ислом Каримов. — Фарзандларининг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашишдек улкан масъулият ҳам бор. Мана шундай озод ва обод Ватанда, тинч-осойишта юртда бахтли ва фаровон ҳаёт кечириш ҳар биримизнинг ўзимизга — фаол саъй-ҳаракатимизга, ҳалол меҳнатимизу эзгу интилишларимизга боғлиқ.

Президентимиз билан учрашув чоғида Косон туманидаги "ФАМ" фермер хўжалиги бошлиғи Амир Файзиев, Ғузор туманидаги "Ферузбек Абдусамад" фермер хўжалиги раҳбари Раъно Жонқувватова, Китоб туманидаги "Севаз-Андроникс" фермер хўжалиги раҳбари Алишер Бойқораев ва бошқалар мамлакатимизда фермерлик ҳаракати ташкилий, техник ва молиявий жиҳатдан изчил такомиллашиб бораётгани, фермерларнинг даромади йилдан-йилга ортиб, ўзларини чин маънода мулкдор деб ҳис этаётгани, бундай юксалишларнинг барчаси Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларнинг самараси эканини таъкидладилар. Мамлакатимиз тараққиёти, юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, Ватанимиз обрў-эътиборини ҳар томонлама юксалтиришдек масъулиятли ва шарафли ишларнинг бошида турган Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Президент Ислом Каримовнинг Бухоро ва Қашқадарё вилоятларига сафари давомидаги учрашув ва мулоқотлар бугун мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти, шаҳар ва қишлоғи тараққиёт ва юксалиш йўлига тушиб олганлигини яна бир бор намоён этди. Зотан, Юртбошимизнинг "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз!" деган сўзларини дилига жо қилган халқимиз барча жабҳаларда бунёдкорлик ишлари билан машғул.

**Ғулом МИРЗО,**
**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**
**Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ**
**олган сурат.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноби Олийлари,

Ўзбекистонга ташрифим чоғида 2008 йил 4 июнь куни менга кўрсатилган иззат-икром ва самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Финляндия раислик қилиб турган пайтда ЕХҲТнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ушбу ташкилотнинг энг муҳим устувор вазифаларидан биридир. Шу билан бирга, мазкур ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг салоҳиятини юзага чиқариш ва ривожлантириш учун яхши имкон яратди.

ЕХҲТ Ўзбекистонга ислоҳотларни давом эттиришда ёрдам кўрсатишга ҳамда ЕХҲТнинг минтақада хавфсизлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган мажбуриятларининг бажарилишини қўллаб-қувватлашга тайёрдир. ЕХҲТ Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги, жумладан, мамлакатингиз билан ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси ўртасидаги ҳамкорлик учала йўналишда ҳам янада ривожланиб боришининг тарафдоридир.

Биз муҳокама қилган долзарб, хусусан, ЕХҲТнинг Афғонистон билан ҳамкорлиги ва чегаралардаги хавфсизликка оид масалаларга ёндашувингиз билан танишиш мен учун ғоят фойдали бўлди. Шу боис Афғонистон масалаларига доир муҳокамани 12 июнь куни Парижда мамнуният билан давом эттирдим.

ЕХҲТнинг хавфсизликни мустаҳкамлаш ва чегараларни бошқариш соҳасидаги, Вазирлар Кенгаши қарорига (2007 йилнинг ноябрь ойида Мадридда қабул қилинган) мувофиқ, фаолиятини қўллаб-қувватлашингизни сўрайман.

Фуқаролик жамияти, инсон ҳуқуқлари, қонун устуворлиги ва оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ЕХҲТнинг асосий қадриятларидандир. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш борасида эришилаётган ютуқлар, шу жумладан, ўлим жазосининг бекор қилиниши ва «Хабеас Корпус» институтининг жорий этилиши қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Бунда фуқаролик жамиятининг мустақил вакиллари муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон ва ЕХҲТ хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мавқеини ошириш ҳамда фуқаролик жамиятига доир масалалар бўйича ҳамкорликнинг узоқ тарихи ва бой тажрибасига эга. Ташкилотимиз ушбу ҳамкорликни давом эттириш ва янада кенгайтиришдан умидвордир.

Мамлакатингизда Халқаро Қизил Хоч қўмитаси вакилларининг жазони ўташ муассасаларига кириши учун рухсат берилганини ЕХҲТ қизғин маъқуллайди. Ўзбекистон томонидан Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенция ратификация қилингани ҳақидаги хабарни биз катта мамнуният билан қабул қилдик.

ЕХҲТ Ўзбекистонни муштарак мақсадларимизга эришиш йўлида қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини яна бир бор таъкидламоқчиман. Ишончим комилки, ташрифим Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорлик ва мулоқотни, Ўзбекистон билан Финляндия ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Келгусида ҳамкорлик алоқаларимиз янада ривожланади, деб самимий ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Эҳтиром ила,

**Александр СТУББ,**
**Финляндия ташқи ишлар вазири,**
**ЕХҲТнинг амалдаги Раиси.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

2008 йил 28 апрель — 4 май кунлари Ўзбекистон пойтахти — гўзал Тошкент шаҳрида мактаб ўқувчиларининг 42-Халқаро Менделеев олимпиадасига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чоғида кўрсатган ёрдамингиз, мададингиз ҳамда доимий эътиборингиз учун Сизга қизғин ва самимий ташаккур изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Барча қатнашчилар: ўқувчилар, жамоалар раҳбарлари ва халқаро жюри аъзоларининг якдил фикрига кўра, Тошкентдаги 42-Халқаро Менделеев олимпиадаси ғоят юксак ташкилий савияда ўтди. Олимпиадаларнинг бутун тарихи мобайнида илк маротаба барча олимпиада қатнашчилари учун дастур тайёрланди ва аввалги биронта ҳам олимпиадада бўлмаган барча шарт-шароитлар яратилди. 42-Менделеев олимпиадаси мамлакатингизда Ёшлар йили деб эълон қилинган йилда ўтганлиги катта рамзий маънога эга бўлиб, битта олтин, битта кумуш ва ўн битта бронза медални қўлга киритган Ўзбекистон жамоасига улкан ютуқ келтирди. Ўқувчиларни аниқ мақсадлар йўлида тайёрлаш самараси ўларок, Ўзбекистон ёш кимёгарларининг муваффақияти Сизнинг мамлакатингизда ёш истеъдод соҳиблари оқилона тарбияланаётганидан далолатдир.

Ишончим комилки, таълим, илм-фан ва маданиятнинг йирик халқаро анжумани сифатида Тошкент олимпиадаси унинг барча қатнашчилари ҳаётида унутилмас ва ёрқин воқеага айланиб қолди. Жаҳон ҳамжамияти олимпиада қатнашчилари нигоҳида замонавий Ўзбекистон воқеликларини кўриш, унинг таълим ва фан, иқтисодиёт ва маданият соҳалари, фуқаролари ҳамда ўзбек халқининг тарихи тўғрисида тасаввур ҳосил қилишдек ажойиб имкониятга эга бўлди.

Сизнинг доимий ғамхўрлигингиз туфайли Ўзбекистон ёшлари ўзларининг истеъдодларини ривожлантира бориб, ўз Ватанининг равнақини ва муваффақиятларга эришишини таъминлайверишига ишончим комил. Серқирра фаолиятингизда Сизга чин дилдан муваффақият ва омадлар, Ўзбекистоннинг иқтидорли ва меҳнатсевар халқига тинчлик, омонлик ва фаровонлик тилаб қоламан.

**В. САДОВНИЧИЙ,**
**Евроосиё университетлари уюшмаси президенти, М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори, РФА академиги, профессор.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# СУД ҚОНУНЧИЛИГИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ҲАМДА СУД ТИЗИМИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштиришга, жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштиришга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари пухта ҳимоя қилинишини таъминловчи мустақил суд ҳокимиятини шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Мамлакат Конституциясида акс эттирилган принципларга мувофиқ, жиноий жазо тизими ва суд ишларини юритиш босқичма-босқич либераллаштирилди, шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имкониятлари кенгайтирилди, натижада озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилган шахслар салмоғи 2007 йилда 2000 йилга нисбатан икки баравардан кўпроқ қисқарди.

Умумий юрисдикция судларининг ихтисослаштирилиши одил судлов сифатини оширишга имкон берди. Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция (шикоят) тартиби жорий этилиши суд процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишида қўшимча кафолат бўлди, ярашув институтининг киритилиши эса, кейинги етти йил ичида салкам етмиш минг кишига нисбатан жиноий таъқиб тугатилиши учун имкон берди.

Жорий йилнинг биринчи январидан эътиборан Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилинди, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди. Суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишнинг самарали, замонавий демократик принципларга асосланган тизими яратилди. Суд тизимини демократлаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқларини янада самарали таъминлаш ва адвокатура ролини ошириш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнларини жадаллаштириш имконини берди.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, суднинг обрўси ва мустақиллигини ошириш, одил судловни амалга оширишда қонунийлигини таъминлаш, судлар фаолиятига аралашишга ҳамда ғайриқонуний суд қарорлари чиқарилишига йўл қўймаслик мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) ташкил этилсин.

2. Белгилансинки, Марказ:

ўз фаолияти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига ҳисобот берадиган мустақил ахборот-таҳлил ва маслаҳат муассасаси ҳисобланади;

унга раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан тасдиқланадиган директор амалга оширади. Марказ директори моддий, тиббий ва транспорт таъминоти шарт-шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосарига тенглаштирилади;

(Давоми 2-бетда).



**23 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А.Тўхташев «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Савол-жавоблардан кейин ҳужжат моддама-модда муҳокама қилинди. Муҳокама жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Қонунчилик палатаси билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

«Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф.Ражабов тақдим этди. Депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, бўлиб ўтган муҳокама пайтида тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н.Исмоилов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Савол-жавоблардан кейин ҳужжатнинг ҳар бир моддаси батафсил муҳокама қилиниши жараёнида депутатлар айрим ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштиришга қаратилган фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

«Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса хотин-қизлар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Баённомани ратификация қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Т.Абдуллаева маъруза қилди. Депутатлар муҳокама пайтида киритилган таклифларни эшитиб ва муҳокама қилиб, ҳужжатни маъқулладилар. Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

**(ЎзА).**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Филиппинда «Фэншень» тўфони



***Ўтган дам олиш куни Филиппин ҳудудида “Фэншень” номли тўфон содир бўлди.***

Ёмғир аралаш эсган кучли шамол мамлакатдаги кўплаб биною муассасаларни вайрон қилди. “Франс пресс” ахборот агентлиги хабарига кўра, табиий офат 60 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Айни пайтда мамлакат электр манбаисиз қолди. Устига устак, авиақатновлар ҳаракати ҳам тўхтатилган.

## Зимбабведаги вазият

***Буюк Британия ташқи ишлар вазири Дэвид Милибэнд Зимбабведаги сиёсий ҳолатни танқид остига олди.***

Вазирнинг сўзларига кўра, Зимбабве раҳбари Роберт Мугабе ҳукуматни бошқаришда қонунларга риоя қилмаяпти. Бундан ташқари, мамлакат конституцияси ҳам амалда ишламаётир. “Зимбабведаги аҳволни БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши мажлисида кўриб чиқиш зарур”, деди Милибэнд журналистларга берган интервьюсида.

## Ҳокимият ёнида портлаш



***Ироқнинг Бакуба шаҳрида камикадзе аёл ўзини портлатиб юборди, дея хабар беради “Би-би-си ньюс”.***

Кўпорувчилик шаҳар ҳокимияти биноси олдида амалга оширилди. Маҳаллий полиция вакилларининг билдиришича, портлаш камида ўн кишини ҳаётдан олиб кетган. 35 киши яралангани айтилмоқда.

## Футболчи ҳаёти хавф остида



Англиялик тажрибали футболчи Дэвид Бэкхемни танимайдиган ишқибоз топилмаса керак. Куни кеча Британия жосуслик хизмати футболчининг ҳаёти хавф остида эканлигини билдирди.

“The Daily Star” газетасининг ёзишича, “Ал-Қоида” террорчилик гуруҳи кўплаб англиялик футболчилар, жумладан, Дэвид Бэкхемга ҳам суиқасд уюштиришни режалаштираётган экан.

Хабарларда айтилишича, террорчилар футболчининг Дубайдаги хонадонига ҳужум уюштириши мумкин.

## Иқтисодий инқироз сабаб



***АҚШнинг йирик “Ситигруп” банки 6500 нафар ходимини ишдан бўшатади.***

“Рейтер”нинг хабарида айтилишича, банкнинг иккита бўлими бирлаштирилиши сабабли ходимлар сони қисқартирилади. Маълумки, ушбу молия муассасаси ҳозир иқтисодий инқирозни бошдан кечирмоқда. Банк жорий йилнинг иккинчи чорагида 5,11 миллиард доллар миқдорида зарар кўрди.

Маълумотларда банк 2008 йил охирига қадар 13 минг нафар ходимини бўшатиши хабар қилинмоқда.

## Анжуманга тўпланишди

***Шу кунларда нефть етказиб бериш бўйича дунёнинг етакчи давлатлари вакиллари Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида навбатдаги анжуманга тўпланишди.***

“Ассошиэйтед пресс” ахборот агентлиги хабарида таъкидланишича, мазкур тадбирда нефть нархининг дунё бозорида кескин кўтарилиб бораётганининг олдини олиш ва бошқа масалалар муҳокама қилинади. Анжуманнинг биринчи кунида Саудия Арабистони нефть ва табиий ресурслар вазири Али ал-Наймий маъруза қилиб, июль ойида мамлакат кунига қўшимча 200 минг баррель нефть қазиб чиқаришини билдирди.

## Ўт балосидан асрасин



Шимолий Калифорния (АҚШ)даги ўрмонзорлар ўт ичида қолмоқда, дея хабар тарқатди “Ассошиэйтед пресс”.

Маҳаллий ҳукумат “тилсиз ёв”ни ўчириш йўлларини тополмаяпти. Олов тезлик билан дарахтларни кунпаякун қилмоқда.

Штатдаги аҳоли хавфсиз ҳудудларга кўчирилди.

## Сайёҳлар келиши қисқартирилади

Дунёдаги энг баланд чўққи — Эверестга сайёҳлар келиши қисқартирилади.

"China daily" нашри хабарига кўра, ҳудуддаги экологик ҳолатни яхшилаш мақсадида Хитой ҳукумати шундай қарор қабул қилиш арафасида турибди. Айни дамда Эверест чўққиси сайёҳлар томонидан ташлаб кетилаётган чиқиндилар билан тўлган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# «НУРОБОД»НИНГ ФАЙЗЛИ ГУЛШАНИ

*Бугунги кунда шаҳарлардаги кўп қаватли уйларнинг саранжом-саришталиги, обод ва кўркам бўлиши хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятига боғлиқлиги тобора аён бўлмоқда. Навоий шаҳрида ташкил этилган «Нуробод гулшани» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатида амалга оширилаётган ишлар бунга ёрқин мисол бўла олади.*

**Ибрат**

Мазкур ширкат тасарруфида 7 та кўп қаватли уй бўлиб, уларда 600 оила истиқомат қилади.

— Шаҳар ҳокимининг қарорига кўра, биз ўз фаолиятимизни 2006 йилда бошлагандик, — дейди ширкат раиси Муҳайё Урчинова. — Ўтган давр мобайнида «Ватан» ва «Ишонч» маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, аҳоли билан ҳамкорликда уй-жой фондини сақлаш, хонадонларни таъмирлаш ва йўлаклар олдига темир эшиклар ўрнатиш, уйларнинг атрофини ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш, иссиқ ва совуқ сув, иситиш тармоқларини созлаш бўйича муайян ишларни амалга оширдик.

Дарҳақиқат, бугунги кунда бу ерда яшовчи аҳолига бутун навоийликлар ҳавас қилишади. Чунки шаҳар бўйича «Энг намунали ширкат» деб эътироф этилган ушбу масканда кўп сонли оилаларнинг йил давомида эмин-эркин турмуш кечиришлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган.

**Хайрулла ШОПЎЛАТОВ.**


# «Munitsipal Auksion Markazi»

**томонидан 2008 йил мобайнида сотилгунга қадар ҳар ҳафтанинг сешанба куни соат 16.00 да қуйидаги бўш турган ва қурилиши тугалланмаган бинолар бўйича ўтказиладиган танлов савдолари давом эттирилади.**



**Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Сувчи даҳаси, Чо Мен Хи кўчасидаги қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси.**
***Бошланғич баҳоси — 894 275, 28 АҚШ долл.***



**Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Бинокор қўрғонида жойлашган қурилиши тугалланмаган болалар боғчаси.**
***Бошланғич баҳоси — 126 843, 89 АҚШ долл.***



**Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Янгиобод даҳаси, Шоҳсанам кўчасидаги қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси.**
***Бошланғич баҳоси — 632 401,07 АҚШ долл.***



**Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Ғалабанинг 40 йиллиги мавзеси 1-даҳасида жойлашган қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси.**
***Бошланғич баҳоси — 432 220,00 АҚШ долл.***



**Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Спутник-16 даҳасида жойлашган қурилиши тугалланмаган савдо маркази биноси.**
***Бошланғич баҳоси — 209 964,80 АҚШ долл.***



**Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Спутник-17 даҳасида жойлашган қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси.**
***Бошланғич баҳоси — 772 039,67 АҚШ долл.***



**Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли (собиқ Ф. Хўжаев кўчаси), 29-уй манзилида жойлашган бўш турган маъмурий бино.**
***Бошланғич баҳоси — 1 976 253,34 АҚШ долл.***

**Танлов шартлари:**

- ***энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;***
- ***қисқа муддат, кўпи билан 1,5 йил ичида қурилиш меъёрий қоидалари (ҚМҚ) талабларига мувофиқ қурилишни тугатиш;***
- ***қурилиш ва бошқалар учун зарурий инвестицияни киритиш;***
- ***объект негизида ташкил қилинадиган фаолият турини бизнес-режа асосида амалга ошириш;***
- ***янги иш жойларини ташкил қилиш;***
- ***объект ҳудуди ва атрофини ободонлаштириш.***

Танлов савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ўтказиладиган санадан камида уч кун аввал ўз сармоявий таклифларини конвертга муҳрлаган ҳолда ва қуйидаги ҳужжатлар тўплами билан бирга тақдим қилишлари шарт:

1. Танлов қатнашчисининг талабномаси.
2. Таъсис ҳужжатлари нусхалари (хорижий сармоядорлар — ҳуқуқий шахслар учун Ўзбекистон элчихонаси ёки улар вакил бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги элчихонаси тасдиқлаган таъсис ҳужжатлари нусхалари).
3. Сармоядор вакилига амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома.
4. Сармоядорнинг тўлов салоҳиятига эга эканлигини тасдиқловчи хизмат кўрсатувчи банкнинг маълумотномаси.
5. Объектни сотиб олиш баҳоси (бошланғич баҳосидан кам бўлмаган миқдорда), шакллантириладиган бизнес йўналишига киритиладиган сармоя миқдори ва муддати кўрсатилган бизнес-режа (конвертга солинган ҳолда тақдим этилади).
6. Савдода қатнашиш учун савдо объекти кўрсатилган ҳолда закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Жисмоний шахслардан — паспорт нусхалари.

Сотилиши белгиланган объектларнинг бошланғич баҳоси эркин муомаладаги валютада белгиланган бўлиб, талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда, мазкур объектлар миллий валютада сотилиши мумкин, бунда тўловлар тўлов кунидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган сармоядорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини миллий валютада «Munitsipal Auksion Markazi»нинг АИКБ «Ипак йўли», МФО 00444, СТИР 300053338, 20208000104555055002 ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт.

Эркин муомаладаги валютада (АҚШ доллари) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бош бошқармаси ҳисоб-касса марказидаги МФО 00014, 21508840000600289002 ҳисоб рақамига ўтказилади. SWIFT: CBUZUZ22.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, М-14, 19-уй.**
**Телефонлар: 244-88-03, 244-88-04.**

**Гувоҳнома: № 001568 – 09.**


# Андижонда “Энг фаол маънавият тарғиботчиси” республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

## ЭНГ ФАОЛ МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИСИ

**Танлов**

*Республика Маънавият-тарғибот маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” жамғармаси, “Камолот” ЁИҲ ҳамда “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси вилоят бўлимлари ҳамкорликда уюштирган танловда ҳудудий босқичларда ғолибликни қўлга киритган воизлар ўзаро беллашдилар.*

*Танланган мавзунинг долзарблиги, хилма-хиллиги, уни ёритишда кўргазмали ҳамда техник воситалардан самарали фойдалана билганлиги, таъсирчанлик каби қатор талабларни маромига етказгани учун Шаҳрихон туманидаги уй-жой коммунал хўжалиги ва сервис коллежи директори Бахтиёржон Ҳусанов ғолиб, деб топилди.*

*Жалолқудуқлик Зулфия Ғофурова ва қўрғонтепалик Одинахон Ҳасановага иккинчи, балиқчилик Мавлуда Усмонова билан хўжаободлик Неъматхон Йўлдошевага эса учинчи ўрин насиб этди.*

***О. ШОДМОНАЛИЕВ,***
***«Халқ сўзи» мухбири.***


NBU

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

**Хитой Тараққиёт банки ва Корея Эксимбанкининг кредит йўналишларини жалб этган ҳолда шу мамлакатларнинг замонавий технологиялари ва ускуналарини сотиб олиш учун кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурини амалга оширмоқда.**

***Хитой Тараққиёт банкининг кредит йўналиши:***

- банк томонидан импорт контрактларини молиялаш — ***100 минг АҚШ долларидан 1 млн. АҚШ долларигача*** (импорт контракти қийматининг 85% гача);
- кредит муддати — ***9 йилгача***, *жумладан, 2 йиллик имтиёзли давр;*
- ўзига тегишли маблағлар иштироки — *лойиҳа қийматининг камида 25%.*

***Корея Эксимбанкининг кредит йўналиши:***

- банк томонидан импорт контрактларини молиялаш — ***индивидуал асосда*** *(импорт контракти қийматининг 85% гача);*
- кредит муддати — *2 йилдан 5 йилгача;*
- ўзига тегишли маблағлар иштироки — *лойиҳа қийматининг камида 25%.*

**МИЛЛИЙ БАНК — БИЗНЕСИНГИЗ ГУЛЛАБ-ЯШНАШИ УЧУН СИЗ БИЛАН БИРГА!**

**Қўшимча маълумот олиш учун 235-38-52, 235-17-02 рақамли телефонлар орқали Кичик бизнес бош бошқармасига ёки Миллий банкнинг исталган бўлим/филиалига мурожаат қилинг.**
**www.nbu.com**

1052Н/260



**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ «УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» МЧЖ**

**2008 йил 25 июль куни соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулкларни қўймоқда:**

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2008 йил 24 апрелдаги 8136-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг автотранспорт воситаларини сақлаш майдончасида сақланаётган, давлат рақами 30Q3565 бўлган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 10 800 000 сўм.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2008 йил 1 февралдаги ЖСК-1К-28-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, «Эркин» жарима майдончасида сақланаётган, давлат рақами 30Q0019 бўлган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 8 000 000 сўм.

Шунингдек, Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2008 йил 11 июль куни соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мулкни қайтадан қўймоқда:

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 5 апрелдаги 4782/9-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Эшонгузар» ҚФЙ, «Ўзбекистон овози» кўчаси, 12-уй манзилидаги «Саидкарим Умарали» МЧЖ ҳудудида сақланаётган, давлат рақами 30О55-05 бўлган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган «Тойота-Лексус LX-470» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 106 920 000 сўм.

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш истагидагилар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ «Асака» банки «Автотранспорт» филиали «Альянс» минибанкидаги МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй.**
**Телефонлар: 238-69-93, 238-69-94.**

***Лицензия DB001-000010.***



**«МЕҲРЛИ САВДО» ШЎЪБА КОРХОНАСИ**

**2008 йилнинг III чорагида қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:**

**САРИЁҒ, 1-КАТЕГОРИЯЛИ МУЗЛАТИЛГАН МОЛ ГЎШТИ**

**Тендер таклифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**

100000, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, А. Икромов к., 27-уй.
Телефонлар: 237-14-59, 237-45-15. Факс: 237-14-92.

**Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2008 йил 27 июнь куни соат 17.00 гача.**

*Дунёнинг ишлари шунақа — бугун кутилмаган воқеа юз беради, эртага шов-шувга айланади, индинга латифа ёки эртак тўқилади.*

# ЎЙИНДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТЛАР




Футбол бўйича Австрия ва Швейцарияда бўлиб ўтаётган Европа биринчилиги чоғида бу нақлнинг ҳаётийлиги яна бир бор исботини топди. Илгариги чемпионатларнинг бирисида данияликлар, бошқасида юнонлар тилга тушган бўлса, бу гал руслар билан туркларнинг «қилғилик»лари оғиздан оғизга кўчиб юрибди.

Айтишларича, мусобақалар бошланиши арафасида рус ва турк футболчилари аэропортда учрашиб қолишибди. Меҳмонхоналарга тарқалишдан олдин бирга ўтиришиб, қаҳвахўрлик қилишибди. Шунда россиялик футболчи Павлюченко туркларнинг тренерига: «Баъзан «Спартак»да ёлғизланиб қоляпман. Сизларда менга шерик бўладиган тузукроқ ҳужумчи бўлса, сотволардик», деса, Фотиҳ Терим шундай деганмиш:

— Менимча, биздаги Козим Козим айнан сизларбоп. Англияда Клод Казимич бўлиб юришни эплаган йигит Россияда Козма Казимиров бўлишни уддалолмайдими?

Ҳа, латифа тўқишда русларнинг суяги йўқ. Мана, яна биттаси.

Россия Голландия термаси билан тўқнаш келганида, ўйин бошланмасидан бурун Дониёр Билолиддинов Ван Нистелройни секин четга имлаб, тавозе билан гап бошлабди:

— Мен татарман. Бизда ёши улуғларни менсимаслик, ҳамма миллатда бўлгани каби, дўзахга элтувчи катта гуноҳ ҳисобланади. Тренеримиз Гуус Хиддинк асли голланд, термаларингдаги ўйинчилар тугул мураббийларинг Ван Бастендан ҳам кексароқ. Уни ранжитиб, охиратларингни куйдиришларингдан чўчиб турибман-да.

Ўйинда голландлар 1:3 ҳисобида ютқазишгач, майдондан шалвираб чиқиб келаётган Нистелрой Дониёрга яқинлашиб: «Энди жаннати бўлдикми?» — деса, Дониёр: «Бошланиши ёмонмас. Бундан буёғига виски-миски ичмасдан, шариатда тақиқланган ҳайвоннинг гўштини емасдан юрсанглар бас», дебди.

Бошқа бир латифага кўра, москвалик футбол фанати барга кириб, футболни каттакон экранда томоша қилаётган ўзбек билан битта столда ўтириб қолибди. Руслар шведларни тор-мор қилганидан сўнг, у ўзбекка юзланиб: «Барибир, тренеримизда гап кўп. Сен у ҳақда қандай фикрдасан?» — деб сўраса, Гуус Хиддинк аввалари Корея термасини ҳам бошқарганини эслаган ўзбек, файласуфона қиёфада жавоб қилибди:

— Жаноб Гуус — кечаги корейс, бугунги рус...

Турклар латифага нўноқроқ бўлса ҳам, эртак тўқишга жуда уста. Улар чемпионат даврида ғаройиб бир афсона яратишди.

Бир бор экан, бир йўқ экан, Туркия термаси деган қайсардан-қайсар футбол жамоаси бўлган экан. Улар шу қадар қайсар эканки, то ўз дарвозаларидан тўп ўтказмагунча, бошқаларга гол урмай туришавераркан. Бетамизликни бировлар бошлаб берсин, кейин биз ўчакишсак, кўпнинг олдида юзимиз ёруғ бўлади, деб уқтираркан уларнинг устози. Швейцарлар уларнинг бу одатини билмай гол уриб қўйиб, балога қолишибди-ю, 1:2 га мағлуб бўлишибди. Айниқса, иккинчи тўп ўйин тугай-тугай деб турганда киритилгани уларга роса алам қилибди.

Турклар ва чехлар ўртасидаги кейинги ўйинда ким устун келса, ўша команда чорак финалга чиқар экан. Чехия термаси мураббийсининг боши қотиб, узоқ мулоҳаза юритибди: «Биз гол урмасак, турклар ҳам урмайди. Туркларнинг қайсарлигини қўзитмайлик десак, асосий вақт ҳам, қўшимча вақт ҳам дуранг билан якунланиб, кунимиз қарғиш теккур ўн бир метрликларга қолади. Бу энди қиморга ўхшаган палакат бир нарса».

## Футбол ҳангомалари

Ўйлаб-ўйлаб, охири шундай тўхтамга келибди: «Швейцарлар биттагина голга ишониб, доғда қолишди. Биз иккита тўп киритсак, қарабсизки, олам гулистон!»

Мураббийнинг бу кашфиёти жамоага маъқул тушиб, учрашувда туркларга иккита гол уришибди. Бундан кўнгиллари шунчалар хотиржам тортибдики, ҳатто Арда Турон жавоб тўпини киритганда ҳам пинак бузишмабди — турклар битта тўп уришга 75 минут вақт сарфлашди, ўйин тугашига эса 15 минут қолди, холос.

Аммо туркларнинг қайсарлиги ҳеч бир формулага сиғмайдиган даражада экан. Нихат Қаҳвачи дегани олдин ўйин тугашига уч минут, кейин бир минут қолганида дарвозага икки тўп йўллаб, 1:2 ни, 3:2 га айлантирибди.

Гуруҳ босқичларидаги охирги ўйинда польшаликларни иккинчи таркиб билан ҳам ютиб, чорак-финалдаги рақибини ёнбошлаб кутиб ётган хорватлар Чехия термасидан қутулганига шукр қилиб, енгил нафас олишибди. Шунга қарамай, хорватларнинг тренери Билич алоҳида хонага кирволиб, ҳар эҳтимолга қарши режа туза бошлабди.

Битта тўп урганлар қутулмади, иккита урганлар қутулмади. Ютиш учун нечта тўп уриш керак бу туркларга?

Бирдан миясида айёрона бир фикр чарақлаб, Билич тезда футболчиларини йиғибди.

— Туркларнинг палахмонини ўзларига қаратиб бурамиз, — дебди у. — Яъни, ўйин охирлаб, судья ҳуштакни чалсамми, чалмасамми деб турган пайтда гол урамиз уларга. Токи, жавоб қайтаришга улгурмай қолишсин.

Хорватлар ўйинда мураббийнинг айтганини қилишибди. Олич тўрт метр масофадан тўпни жўрттага дарвозанинг тўсинига урибди. Унинг ортидан етиб келган шериги тўсиндан қайтган тўпни атайин бўш дарвозадан тепароққа йўналтирибди. Асосий вақтга яна ўттиз минут қўшиб берилса-да, ўйин шу тарзда давом этиб, олдиндан мўлжаллангандек, Хорватия термаси ўйин тугашига бир минут қолгандагина гол урибди.

Ҳамма нарса узил-кесил ҳал бўлгандек туюлаётган маҳалда қайсарлик яна ўзининг мўъжизакор кучини кўрсатибди. Судья қўшиб берган икки минут вақтнинг якунланишига чиройли қизга қараб бир оҳ тортгулик муддат қолганида Шантурк дегани хорватлар дарвозасини тўсатдан ишғол қилибди. Ўн бир метрлик «қимор»да хорватлардан омад юз ўгирибди.

Алқисса, қайсарликни яхши мақсадга йўналтира билган турклар ўз тарихларида илк бор Яримфинал «хоним»нинг васлига мушарраф бўлибдилар...

Туркиялик футбол ишқибозларининг шодиёнаси тугамай туриб, россияликларнинг байрами бошланди. Чемпионликка асосий даъвогар ҳисобланган голландлар курагини беҳад чиройли усулда ерга босган Россия термаси ҳам яримфинал йўлланмасига эга бўлди.

Миш-мишларга қараганда, русларнинг тўпурари Аршавин Ҳамит Олтинтўпга телефон қилиб: «Хўш, биз билан финалда учрашишга тобларинг қалай?» — деб сўраса, турк ярим ҳимоячиси пича ўйланиб туриб, шундай жавоб қайтарганмиш:

— Термамизга ҳомий бўлиб турган доврукли фирмаларнинг айримлари Россияда иш олиб бормоқда. Шу фирмаларнинг бошлиқлари билан олдин бир кенгашиб кўрамиз-да.

**Е**вропа чемпионати якунланиб боряпти. Олдинда жаҳон биринчилиги турибди. Дастлабки вазифасини қойиллатиб уддалаган Ўзбекистон термаси асосий босқичда ҳам ишни дўндириб, янги бир ҳаётий афсона яратса, не ажаб?!

**Анвар ОБИДЖОН.**

*Юнон афсоналарида ёзилишича, Прометей одамлар учун олов келтиради. Бироқ бу жасорати учун у Зевс томонидан қаттиқ жазоланади: даҳшатли азоб-уқубатларга маҳкум этилади. Орамизда ушбу ҳикоятни эшитмаганлар бўлмаса керак.*

# «PAYNET»: ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА КЎМАКДОШМИЗ

Келинг, Прометейнинг ана шу қаҳрамонлигини бир муддат ҳақиқат деб тасаввур қилиб кўрайлик. Агар Прометей шундай мардонавор ҳаракатга қўл урмаганида ёки бу вазифани уддалай олмаганида, табиийки, бизда иссиқлик бўлмасди. Агар шундай бўлганда, биз қандай яшардик?

Шукроналар бўлсинки, бугун биз бир зумда телевизорни қўйишимиз, газ плиткасига олов ёқишимиз мумкин. Яъни, XXI асрда яшаётганимиздан, инсон манфаатлари учун коммунал хизматлари борлигидан кўнглимиз таскин топади.

**Табиий газ деб аталмиш коммунал хизмати ҳақида нима дейишимиз мумкин?**

Табиий газ бошқа коммунал хизматлари каби маиший ҳаётимизда муҳим ўрин тутади. Ҳозирда шундоққина ер остидан магистрал газ қувурлари орқали кечаю кундуз — 24 соат давомида, йилнинг 365 куни мобайнида уйимизга ҳаммага қадрли ва ниҳоятда зарур бўлган табиий газ узилишларсиз етиб келмоқда.

**Табиий газ ҳаётимизда қандай ўрин тутади?**

Маиший қулайлик — ушбу фойдали қазилма бойликнинг асосий устунлиги. Ахир «зангори олов» ёниш жараёнида ортиқча ҳид ва тутун чиқармайди, ундан тўғри фойдаланилганда эса, инсон ҳаётига деярли хавф туғилмайди. Шунинг учун ҳар биримиз хонадонимизда ўзимизни хавфсиз ва қулай ҳис этамиз.

**Дарвоқе, коммунал тўловлари нима дегани?**

Аслини олганда, унинг ҳақиқий шинамлик манбаи эканини, усиз бир кунимизни ҳам бир меъёрда ўтказа олмаслигимизни тўлалигича тушуниб етавермаймиз. Ўзингиз айтинг: хонадонда табиий газсиз маиший қулайлик юзага келадими? Электр қуввати ва сувсиз ақалли бир ҳафта яшаб кўринг-чи?!

Шинам ҳаёт кечиришни ҳеч кимга тақиқлаб бўлмайди, аммо баъзида табиий газдан фойдаланганлик учун тўловни амалга ошириш серташвиш ишга айланади. Чунки истеъмолчида қарздорликни қоплаш ёки тўлов учун ҳар доим ҳам вақт топилавермайди. Орамизда яна шундай фуқаролар борки, коммунал хизматлар тўловини амалга ошириш уларга сайр қилиш учун бир сабаб вазифасини ҳам ўтайди. Бироқ бошқа бир тоифа вакиллари ҳам борки, уларнинг ҳатто дам олиш кунларида ҳам вақтлари бўлмайди. Кўриб турибсизки, бизнинг фаол ҳаётимиз тобора кўп вақтимизни олаяпти. Натижада айрим инсонлар учун коммунал тўловларини амалга ошириш ҳақиқий муаммога айланмоқда.

## Хизмат

**Шуни ҳисобга олиб, «PAYNET» янги хизматни таклиф этади!**

Ушбу хизмат эса коммунал тўловларни, хусусан, табиий газ тўловини амалга ошириш жараёнини енгиллаштиради.

Эҳтимол хабарингиз бордир, ўтган йилнинг ноябрь ойида «PAYNET» компанияси электр қуввати учун тўловларни қабул қилиш бўйича янги хизматни жорий этган эди. «PAYNET ID» идентификация карталарининг амалга киритилиши билан тўлов жараёни анча енгиллашди. Аниқроғи, картанинг ўзига хос рақамини Тошкент шаҳар электр таъминоти корхонасидаги шахсий ҳисобга киритиш туфайли бутун республика бўйлаб жойлашган минглаб шохобчаларнинг бирида электр учун тўловни амалга ошириш имкони туғилди. Тўловнинг асосий устунлиги шундаки, уни реал вақт тартибида бажариш мумкин, яъни истеъмолчиларнинг пул маблағлари шу вақтнинг ўзида шахсий ҳисобга бориб тушади. Шунингдек, истеъмолчиларнинг ўз депозитлари аҳволи билан танишиб туришлари учун қарздорликни текшириб бориш хизмати ҳам йўлга қўйилган.

Бугунги кунда эса «PAYNET» компанияси яна бир қўшимча хизматни — табиий газ учун тўловларни қабул қилишни жорий этди. Шуни алоҳида таъкидлаш кераккки, табиий газдан фойдаланганлик ҳақини тўлаш ҳам худди электр қувватига тўлов каби амалга оширилади.

**Бу жараён қандай кечади?**

Тизимда рўйхатдан ўтиб, «PAYNET ID» идентификация картасига эга бўлган тўловчи картанинг ўзига хос рақамини табиий газ ва электр қуввати хизмати учун пул ўтказиладиган шахсий ҳисобга киритиши мумкин. Эндиликда коммунал хизматлари истеъмолчилари учун «PAYNET» агентига идентификацион картани кўрсатиб, коммунал хизмати тури (табиий газ ёки электр қуввати)ни айтиш ва 500 дан 100 000 сўмгача бўлган исталган миқдордаги тўловни амалга оширишнинг ўзи кифоя. Агент пул маблағларини қабул қилиб, «PAYNET» тизими орқали тўлов ҳақидаги маълумотни ушбу хизматни таклиф этувчининг биллинг тизимига жўнатади. У ерда ушбу маълумотлар ишлангач, тўлов суммаси тўғри тўловчининг шахсий ҳисобига бориб тушади. Шундан сўнг тўлов қабул қилинганлигини тасдиқловчи хабар тўлов амалга оширилган ўша шохобчага юборилади. Ушбу жараён атиги 5-7 сония вақтни талаб этади.

Унутманг, «PAYNET» шохобчаси оператори истеъмолчига қарздорлик, тўлов суммаси, вақт, хизмат ва бошқа маълумотлар кўрсатилган ахборот чекини тақдим этиши лозим.

Коммунал хизматлар учун янги тўловнинг қулайлиги шундаки, «PAYNET» шохобчалари нафақат одамлар гавжум жойларда, балки аҳоли зичлиги камроқ бўлган вилоят ва туманларда ҳам жойлашган.

Келгусида «PAYNET» компанияси бу тизимга барча коммунал хизматларини киритиб, бутун республика бўйлаб жорий этишни режалаштирган. Ушбу лойиҳа катта миқдордаги сармояни талаб этишига қарамай, «PAYNET» компанияси коммунал хизматлари тўловларини бирмунча оддий, қулай ва осон қилишга ҳаракат қилади. Таъкидлаш жоизки, мазкур қадам тижорий мақсадда ташланаётгани йўқ, аксинча маънавий тамойилларни қўллаб-қувватлашни кўзда тутади. Чунки мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Шу билан бирга, бизнинг соғлигимиз, биринчи навбатда, ичимлик сувининг сифатига, ўз вақтида берилиб турган иссиқлик ва электр қувватига боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак. Ушбу манбаларнинг истеъмолчиларга узлуксиз равишда етказиб берилиши эса улардан коммунал хизматлари тўловларини ўз вақтида тўлашлари талаб этилади.

**Петр ТЕН.** [t]

## Санъат

*Сурхондарё вилояти қўғирчоқ театрида миллий рақс ижрочилари республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.*

# Ғолиблар аниқланди

Унда шаҳар ва туманлардан 15 нафар ёш ҳаваскор раққоса иштирок этди. Танлов натижаларига кўра, биринчи ўрин Қумқўрғон тумани маданият уйи вакили Дилноза Шердановага насиб этди. Кейинги поғоналарни Термиз санъат коллежи ўқувчиси Нафосат Қораева ҳамда шўрчилик Феруза Ўринбоевалар эгаллашди.

Тадбир якунида ғолиблар ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Ҳусан БУРҲОНОВ.**











*«Маҳалла» жамғармаси Пайариқ тумани кенгаши раиси Сайдулла Бойзоқовни бир гуруҳ ёшлар даврасида учратдик. Улар маҳаллалар ўртасида спорт мусобақаларини ташкил этиш хусусида фикрлашаётган экан.*

# «БИЗ СОҒЛОМ ВА КУЧЛИ ОИЛА»

— Бу йил иш фаолиятимизни туман халқ таълими бўлими ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этдик, — деди Сайдулла ака. — Мақсад туманнинг бутун ёшларини спортга жалб этиш. Негаки, спорт билан шуғулланган одам бақувват ва соғлом, фикри теран бўлади.

## Маҳалла

Тумандаги 61 та қишлоқ фуқаролар йиғинида 200 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Уларнинг аксарияти ёшлар. Маҳалла — мактаб — оила ҳамкорлиги келажагимиз эгаларининг ота-боболарига муносиб ворислар бўлиб етишишларига хизмат қилаяпти.

Туманда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун 121 та футбол, 87 та баскетбол, 142 та волейбол майдончалари ва яна қанчадан-қанча спорт иншоотлари ўқувчилар хизматида.

Яқинда маҳаллалар ўртасида ўтказилган «Биз соғлом ва кучли оила» оилавий мусобақаларида 48 нафар ўғил бола ва 12 нафар қиз бола иштирок этди. Ўсмирлар ўртасидаги «Футболимиз келажаги» мусобақаларининг Бухоро шаҳрида ўтказилган республика босқичида пайариқликлар фахрли учинчи ўринни эгаллашди.

Хуллас, Пайариқда ёшларга, уларнинг келажагига эътибор катта. Бу ердаги бугунги ҳаракатлар эртанги ёрқин истиқболдан далолат беради.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим Ш. П. Қурбоновга онаси

**Хожалой ҚУРБОНОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси «O'zbekiston» телерадиоканали ДУК Маданий-маърифий ва бадиий-дам олиш дастурлари бош муҳарририяти бош муҳаррири

**Ҳошимжон МИРЗААҲМЕДОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 35900 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.00 Топширилди — 02.25 1 2 3 4 5 6 7